

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2021 йил 25 августдаги 1104-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда
коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини
олдини олиш бўйича
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда сайлов комиссияси аъзолари ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчилари ўртасида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини олдини олиш тартибini белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Сайлов округлари ва участкаларида, овоз бериш хоналарида сайлов комиссияси аъзолари, сайловчилар, кузатувчилар ва ОАВ вакиллари қуйидаги ҳимоя ва профилактика воситаларидан фойдаланишлари талаб этилади:

хароратни ўлчаш учун термометр, пирометр;

ҳимоя ниқоби;

бир марталик тиббий қўлқоп (сайлов комиссияси аъзолари учун);

антисептик суюқлик (санитайзер).

2. Сайлов жараёни иштирокчилари қуйидаги талабларга риоя қилиши лозим:

ҳимоя ниқобларидан фойдаланиши;

қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан тўғри контактга киришишнинг бошқа шаклларида сақланиши;

ижтимоий масофага риоя қилиши.

3. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларнинг кириш қисмида ва овоз бериш хонасида ижтимоий масофани сақлаш учун 1,5–2 метр оралиқ масофани белгиловчи ҳамда ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи чизиклар бўлиши лозим.

Овоз бериш биносининг кириш қисмида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тавсиялар акс этган плакатлар жойлаштирилади.

4. Сайлов комиссиялари сайлов кампанияси учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мазкур Йўриқнома иловасида кўрсатилган миқдорда ҳимоя ва дезинфекция воситалари билан таъминланади.

5. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларга камида бир нафар тиббиёт ходими бириктирилади.

Тиббиёт ходими тегишинча сайлов округи ва участкаси ҳудудида санитария қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди. Тиббиёт ходими сайлов комиссиясининг ишига аралashiши, овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлашда иштирок этиши мумкин эмас.

6. Бириктирилган тиббиёт ходими сайлов комиссиялари биноларининг кириш қисмида ташриф буюрувчиларнинг тана ҳароратини ўлчайди, антисептик восита билан қўлларини дезинфекция қилади ва заруратга кўра химоя ниқоби беради.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимларининг ходимлари сайлов ўтказилаётган бинода Ўзбекистон Республикасининг СанҚваМда ҳамда ушбу Йўриқномада белгиланган COVID-19 инфекцияси тарқалишини олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирлари амалга оширилишини сайлов комиссиялари фаолиятига аралашмаган ҳолда назорат қилади.

8. Ташриф буюрувчиларнинг тана ҳарорати 37°C ва ундан юқори бўлган тақдирда улар сайлов комиссиясининг биносига киритилмайди.

9. Сайлов округи ҳудудида эпидемиологик вазиятнинг кунлик таҳлили Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармалари томонидан олиб борилади. Заруратга кўра сайлов комиссияларига тегишли тавсиялар берилиши мумкин.

10. Участка сайлов комиссиялари аъзолари иш фаолиятини амалга оширишида шахсий химоя воситалари (химоя ниқоби, антисептик воситалар)дан фойдаланишлари шарт.

Овоз бериш кунини участка сайлов комиссияси аъзолари юзларини химоя қилишлари учун пластмассали ниқоблардан фойдаланиши тавсия этилади.

11. Сайловчилар ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари овоз бериш биносида ижтимоий масофани сақлаши, химоя ниқобида бўлиши керак.

2-боб. Сайлов жараёнида профилактик тадбирларни амалга ошириш

12. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ва хоналарнинг дезинфекция қилиниши, шунингдек уларда эпидемияга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан таъминланади.

13. Дезинфекция ишлари қоида тариқасида округ ва участка сайлов комиссияларининг кундалик иш фаолияти яқунланганидан сўнг амалга оширилади.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан камида олти соат олдин барча участка сайлов комиссияларининг овоз бериш бинолари ва хоналари дезинфекция қилиниши лозим.

14. Дезинфекция ишлари овоз бериш хонасида, бинонинг коридорлари, жамоатчилик фойдаланадиган жойларида (ҳожатхона, лифт, зиналар ва ҳ.к) амалга оширилади.

15. Дезинфекция ишлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, улар томонидан белгиланган дезинфекция воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

16. Овоз бериш куни, овоз бериш хоналарида участка сайлов комиссиялари аъзолари учун етарли миқдорда ичимлик суви бўлиши керак.

Овоз бериш хонасида озиқ-овқат истеъмол қилиш тақиқланади.

17. Овоз бериш биносидан чиқиш жойида ишлатилган ниқоблар ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини ташлаш учун идиш ўрнатилиши лозим.

18. Сайлов участкаси “қизил” ҳудудга тўғри келган тақдирда комиссия аъзолари иш фаолияти давомида мажбурий фойдаланиши учун қуйидаги воситалар билан таъминланади:

махсус комбинезонлар, халатлар;

нафас олиш тизимини ҳимоя қилиш учун – тиббий ниқоб;

кўриш аъзоларини ҳимоя қилиш учун – юз учун пластмассали ниқоб;

кўлларни ҳимоя қилиш учун – тиббий кўлқоп;

кўл ва юз терисини дезинфекцияловчи воситалар, эритмалар, таркибида хлор ва спирт бўлган маҳсулотлар.

19. Сайлов участкаси “сарик” ҳудудга тўғри келган тақдирда комиссия аъзолари иш фаолияти давомида мажбурий фойдаланиши учун қуйидаги воситалар билан таъминланади:

нафас олиш тизимини ҳимоя қилиш учун – тиббий ниқоб;

кўриш аъзоларини ҳимоя қилиш учун – юз учун пластмассали ниқоб;

кўлларни ҳимоя қилиш учун – тиббий кўлқоп;

кўл ва юз терисини дезинфекцияловчи воситалар, эритмалар, таркибида хлор ва спирт бўлган маҳсулотлар.

20. Шахсий ҳимоя воситалари ва бошқа зарур буюмлар округ сайлов комиссияларига сайловга камида 15 кун қолганида, участка сайлов комиссияларига сайловга камида 13 кун қолганида етказиб бериледи.

Шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қоидаларига риоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар)

бўлимлари мутахассислари томонидан махсус ўқувлар ўтказилиши ёки тавсиялар берилиши мумкин.

21. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига коронавирус инфекциясига қарши эмланишлари учун зарур шароит яратилади.

Тана ҳарорати 37⁰С ва ундан юқори бўлган комиссия аъзолари (раис, раис ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолар) вақтинча иш фаолиятидан четлатилади ва коронавирус инфекциясига навбатсиз лаборатория текширувидан ўтказилади. Бунда, комиссия аъзосига бир иш куни ичида ПЗР тест таҳлили натижаси тақдим этилиши керак.

Комиссия аъзоси сайловга олти ва ундан кам вақт қолганида коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан касалланганлиги аниқланса ёки сайлов кунига қадар коронавирус (COVID-19) инфекциясидан тузалмаган бўлса, шунингдек сайлов куни тана ҳарорати 37⁰С ва ундан юқори бўлган тақдирда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиясининг қарорига асосан комиссия таркибидан чиқарилиши ва янги аъзо (раис, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзоси) комиссия таркибига киритилиши мумкин.

22. Комиссия аъзоларига шахсий ҳимоя воситаларини ўз вақтида ва тўлиқ бериш учун жавобгарлик тегишли сайлов комиссияси раисига юклатилади.

3-боб. Овоз бериш жараёнини ташкил қилиш

23. Сайловчиларни овоз бериш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш қўшимча равишда оммавий ахборот воситалари, ахборот коммуникация технологиялари ва тарғибот материаллари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

24. Овоз бериш куни сайлов комиссияси аъзолари ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ўтириши ва иш фаолияти давомида ҳимоя ниқобларини камида 3 соатда бир марта алмаштириши керак.

25. Сайловчи, сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиси овоз бериш биносига келганида унинг тана ҳарорати ўлчанади ва қўлига антисептик суюқлик сепилади, ҳимоя ниқоби бўлмаган сайловчига ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчисига ҳимоя ниқоби берилади, шундан сўнг у бинога киритилади.

26. Сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг тана ҳарорати 37⁰С ва ундан юқори бўлган тақдирда улар овоз бериш хонасига киритилмайди.

Бунда, тана ҳарорати 37⁰С ва ундан юқори бўлган сайловчилар учун алоҳида ажратилган жойларда (бинонинг кириш қисми ва бошқалар) икки нафар участка сайлов комиссияси аъзоси ҳозирлигида кўчма сайлов қутилари ва кабиналаридан фойдаланган ҳолда яширин овоз бериш ҳуқуқи таъминланади.

27. Сайловчи ижтимоий масофани сақлаган ҳолда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг тегишли варағини очади ва комиссия аъзосининг ушбу ҳужжат билан контактсиз танишишига имкон яратади.

Заруратга кўра, сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида шахсини аниқлаш мақсадида участка сайлов комиссияси аъзоси сайловчига қисқа муддатга ҳимоя ниқобини очиб юзини кўрсатишини сўраши мумкин.

Сайловчи қуйидаги ҳолларда тиббий қўлқопда бўлиши тавсия этилади:
сайловчилар рўйхатига имзо қўйишда;

сайлов бюллетенини олишда;

яширин овоз бериш кабинаси (хонаси)да сайлов бюллетенини тўлдиришда.

28. Яширин овоз бериш кабиналарига парда осилмайди.

Овоз беришни ташкил қилиш учун кўчма овоз бериш кабиналаридан фойдаланилиши мумкин.

Сайловчига яширин овоз бериш кабинаси (хонаси)да бир дақиқадан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилади.

29. Овоз бериш ҳуқуқини амалга оширганидан кейин сайловчига қўлларини антисептик воситалар билан зарарсизлантириш тавсия этилади.

4-боб. Коронавирус инфекциясидан уй шароитида даволанаётган сайловчининг турган (яшаш) жойида овоз беришини ташкил қилиш

30. Коронавирус инфекциясидан уй шароитида даволанаётган сайловчининг (кейинги ўринларда – сайловчи) турган (яшаш) жойида овоз беришини ташкил этишда участка сайлов комиссияси сайловчи учун алоҳида ҳимоя воситалари тўпламини тайёрлайди.

Целлофан пакетга солинган тўпланда қуйидагилар бўлиши керак:

тиббий ниқоб;

тиббий қўлқоп;

участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган сайлов бюллетени.

31. Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси шахсий ҳимоя воситалари билан ҳимояланган ҳолда кўчма сайлов қутисини дезинфекциялаб, сайловчининг турган жойига боради.

Сайловчи ва комиссия аъзолари ўртасида ижтимоий масофа сақланган ҳолда сайловчининг шахси аниқланади, сўнг комиссия аъзоси сайловчига целлофан пакетга солинган тўплани ва имзо қўйиши учун сайловчилар рўйхатидан кўчирмани беради.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатидан кўчирмага имзо қўяди. Сайловчига яширин овоз бериш ҳуқуқи таъминланади. Шундан сўнг, сайловчи сайлов бюллетенини кўчма сайлов кутисига ташлайди.

Овоз бериш амалга оширилганидан сўнг комиссия аъзоси кўчма сайлов кутисининг қисмларини (юза, ён ва дастак) дезинфекциялайди.

Бу вақтда ҳозир бўлган кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари шахсий ҳимоя воситалари билан ҳимояланган бўлиши шарт.

32. Коронавирус инфекциясидан стационар даволаш муассасаларида даволанаётганлар ва ушбу масканларнинг ишчи-ходими бўлган сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш учун ушбу муассасаларда сайлов участкалари тузилиш мумкин.

Яширин овоз беришни ташкил қилиш учун ушбу тоифадаги биноларда кўчма овоз бериш кабиналаридан фойдаланилади.

Ушбу муассасаларда ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш мазкур муассасаларнинг ички тартиб-қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг СанҚваМ талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади.

5-боб. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш ва сайлов округида сайлов натижаларини аниқлаш

33. Участка сайлов комиссияси ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда кўлланини, сайлов кутиларининг қисмларини (юза, ён ва дастак) шунингдек овозларни санаб чиқиш учун тайёрланган жойни дезинфекция қилиб овозларни санаб чиқиш жараёнини амалга оширади. Бунда, ижтимоий масофага риоя қилишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

34. Овозларни санаб чиқишда ва сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлган сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тиббий ниқобдан фойдаланишлари ва ижтимоий масофага риоя қилишлари керак.

35. Овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённомани тўлдиришда участка сайлов комиссиясининг аъзоларига алоҳида-алоҳида ручкалардан фойдаланиш тавсия этилади.

36. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларини қабул қилишда ва тегишли баённомани тўлдиришда ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва ижтимоий масофа сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши шарт.

6-боб. Яқуний қоидалар

37. Овоз бериш натижалари чиқарилгандан сўнг сайлов комиссияси аъзолари шахсий ҳимоя воситаларини ечади ва утилизация қилиш учун махсус идишга ташлайди.

38. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

39. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири**

А. Хаджибаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини
ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19)
тарқалишини олдини олиш бўйича йўриқномага
ИЛОВА

**Сайлов участкасида шахсий ҳимоя қоидаларига риоя қилиш учун зарур
бўлган ҳимоя кийимлари ва дезинфекция воситаларининг
меъёрий миқдорлари**

I. Ҳимоя ниқоблари

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов округи	Округ сайлов комиссиясининг ҳар бир аъзосига 5 донадан (21 x 5 = 105 дона)	Сайловни ташкил қилиш учун
Сайлов участкаси	Участка сайлов комиссиясининг ҳар бир аъзосига 5 донадан (13 x 5 = 65 дона)	Овоз беришни ташкил қилиш учун
Овоз бериш биноси	Сайловчилар сонига қараб 2000 тагача; Кузатувчилар ва ОАВ учун 10 дона.	Овоз беришни ўтказиш учун

**II. Участка сайлов комиссияси аъзоларига
юз учун (пластмассали) ниқоблар
(жами 12 дона)**

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов участкаси	Участка сайлов комиссияси аъзолари учун жами 12 дона	Сайлов кампанияси даври учун

**Махсус комиссия қарори билан сайлов участкаси қизил ёки сариқ ҳудудга киритилган
ҳолатда участка сайлов комиссияси аъзоларига
қуйидаги ҳимоя воситаси қўшимча тавсия этилади:**

**III. Ҳимояловчи кийим (IV типдаги)
(жами 12 дона)**

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов участкаси	Ҳар бир участка сайлов комиссияси аъзоларига жами 12 дона	Сайлов жараёнларини ташкил қилишда фойдаланиш учун

IV. Қўллар учун дезинфекцияловчи воситалар

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов округи	Округ сайлов комиссияси ҳар бир аъзосига 2 дона флакон (100 мл.)	Сайловни ташкил қилиш учун
Сайлов участкаси	Участка сайлов комиссиясининг ҳар бир аъзосига 1 дона флакон (100 мл.)	Сайловчилар рўйхатини тузиш, овоз беришни ташкил қилиш ва ўтказиш
Овоз бериш биноси	Сайловчи сони 2500 тагача бўлганда бир сайловчига 4 мл ҳисобида $2500 \times 4 = 12000$ мл.	Овоз беришни ўтказиш учун

V. Дезинфекцияловчи салфеткалар

(жами 50 пачка, бир пачкада 75 дона)

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов округи	Округ сайлов комиссияси учун (жами 2 пачка, бир пачкада 75 дона)	Сайловни ўтказиш даври учун
Сайлов участкаси	Ҳар бир сайлов участкасига (жами 2 пачка, бир пачкада 75 дона)	Комиссия фаолиятини амалга ошириш даврида сайлов жиҳозлари ва буюмларини дезинфекциялаш учун

VI. Бир марталик қўлқоплар

(бир тўпламда 100 дона, ўлчамлари S, M, L)

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов округи	Округ сайлов комиссияси аъзоларига 15 иш куни учун 1 донадан ($15 \times 11 = 165$ дона, 2 тўплам)	Сайловни ўтказиш даври учун
Сайлов участкаси	Участка сайлов комиссиясининг ҳар бир аъзосига 15 кун иш куни учун 1 донадан ($15 \times 11 = 165$ дона, 2 тўплам)	Комиссия фаолиятини амалга ошириш даври учун

VII. Турган жойида овоз беришда фойдаланиш учун бир марталик полиэтилен қўлқоп ва полиэтилен пакетлар

(бир тўпламда 100 дона)

Тоифа	Тақсимот бўйича кўрсатма	Мақсад
Сайлов участкаси	Участка сайлов комиссиясига турган жойида овоз беришни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир участкага 10 донадан	Комиссия фаолиятини амалга ошириш даври учун